БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 67 (558)

3 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Франция Республикаси Министрлар Совети Раиси Ги Молленинг Н. А. Булганин телеграммасига жавоби (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Искандар Мирза бир-бирларига мактуб юбордилар (1-бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов блан Греция Короли Павел 1 нинг бир-бирларига юборган телеграммалари (1-нчи бет).

Швециянинг СССРдаги элчиси Р. Сульман ҳузурида зиёфат (1-нчи бет).

1 Май шарафига (1-нчи бет).

А. А'замхўжаев, Ш. Ўразаев. — Коммунистик партия — СССРда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси (2-нчи бет).

Дубровникда парламентаро иттифоқ органларининг мажлислари (2-нчи бет).

Чигит экишга ҳартарафлама пухта тайёрланайлик! (3-нчи бет).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги савдо муносабатлари тўғрисида Совет-Бирма ахбороти (3-нчи бет).

А. И. Микояннинг Бирмада бўлиши (4-нчи бет).

Бирма Иттифоқи бош министри У Ну ҳузурида А. И. Микоян шарафига зиёфат (4-нчи бет).

СССР, Швеция, Норвегия ва Дания ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида битимлар имзоланди (4-нчи бет).

Физкультура ва спортни янада ривожлантирайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатимизда физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришга, халқимизни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ишларига ҳамавақт катта э'тибор бериб келмоқдалар. Бу мақсад учун давлат бюджетидан ҳар йили кўплаб маблағ сарфланаётганлиги, янгидан-янги спорт базалари қурилаётганлиги Партия ва Ҳукуматимизнинг физкультура ва спорт ҳақида қилаётган доимий ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. КПСС XX с'езди Директивларида физкультура ва спортни янада ривожлантириш масаласига катта э'тибор берилди.

Мамлакатимизда физкультура ва спорт ёшларимизни коммунистик руҳда, она-Ватанга, жонажон Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига чексиз садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашда, шунингдек халқимизнинг ижодий куч, ғайрат ва ташаббусини оширишда катта роль ўйнайди.

Областимизнинг шаҳар ва районларида юзларча спорт базалари, стадионлар, сув станциялари, жуда кўп спорт майдончалари ишлаб турипти ва булар йил сайин кўпаймоқда. Областимиз спортчилари ўтган қишки мавсумда турли мусобақаларда актив қатнашдилар. Физкультура коллективларида, район, шаҳар ва республика миқ'ёсида бўлиб ўтган мусобақалар яхши натижалар берди. Областимизда биринчи марта қиш пайтида очиқ стадионларда енгил атлётика мусобақалари ўтказилди.

Область спортчилари республика спортчилари блан ҳамкорликда Ўрта Осиё ва Иттифоқ миқ'ёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, областимиз шуҳрати учун курашдилар, спортчилар сафи янада кенгайди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 7275 киши разрядли спортчи бўлиб етишди. 12 минг 836 йигит ва қиз 1 ва 2-нчи даражали ГТО значочигга эга бўлдилар, анчагина спортчи Бутуниттифоқ спорт классификацияси нормасини бажарди, спортчиларимиз спорт турлари бўйича 76 та янги рекорд қўйдилар, олтита спорт мастери етишди.

«Пахтакор» спорт жамияти қишлоқ ёшлари ўртасида физкультура ва спортни ривожлантиришда, колхоз ёшларини спортга рағбатлантиришда катта роль ўйнамоқда. Район, шаҳар ва область миқ'ёсида бўлиб ўтган спорт мусобақалари колхозчи спортчиларнинг маҳорати тобора ортиб бораётганини яққол кўрсатди.

Бу йилги спорт мавсуми ўтган йилга нисбатан бир ой илгари бошланди. Бу, областимиз спортчилари ҳаётида катта воқиа бўлди. Шу йилнинг ёзида Ватанимиз пойтахти Москвада бўладиган СССР халқларининг спартакиадаси жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлиб, меҳнаткашларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва совет спортчиларининг маҳоратини ошириш йўлида олиб борилган ишларга якун ясайди. Физкультура ва спортни сиқиндилдан севган минг-минглаб тетик ва соғлом совет кишилари, йигит ва қизлари спорт соҳасида эришган муваффақиятларини Москва стадионларида намойиш қиладилар. СССР халқлари спартакиадаси совет халқининг чинакам спорт байрами бўлади.

Совет Ватанимизда физкультура ва спорт ҳаракати йил сайин кенг қулоч ёймоқда. Партия ва Ҳукуматимиз спорт ташкилотлари олдига янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Бироқ, областимиз физкультура ва спорт ташкилотларининг иши ҳозирги кунниг юксак талаблари даражасида эмас.

Областимиз физкультурачилари ва физкультура ташкилотлари олдида турган асосий ва муҳим вазифа — СССР халқлари спартакиадасига пухта тайёрланишдир. Лекин, ҳозирги қилинаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Район ва шаҳар физкультура ташкилотлари ва комитетлари оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантириш, спортчиларимизнинг маҳоратини ошириш соҳасида унумли ишламаётирлар. Кўпгина спорт базалари оммавий ўйинлар ва мусобақалар ўтказишга ҳали тайёр эмас. Кўп жойларда спорт базалари қуриш ва мавжуд стадион, майдонларни обод қилиш ишлари қониқарсиз бормоқда. Спорт мавсуми бошланганига қарийб бир ойча вақт ўтиб қолган бўлишига қарамасдан «Пахтакор» спорт жамиятининг кўпгина район советларида ҳали ҳам хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Бу советлар қишлоқ ёшларини спортга кам жалб қилмоқдалар, спортнинг меҳнатга ижобий та'сир этишини етарли тушунмаётирлар. Секциялар ишига яхши раҳбарлик қилинмайди, натижада машғулотлар мунтазам ўтмаётир. Бундай ҳоллар айниқса Қуйичирчиқ, Октябрь, Ховос, Тошкент, Гулистон, Мирзачўл районларида кўп учрайди. Шунингдек, кўпгина корхоналарда, чунончи Янгийўлдаги ёг заводида спорт ишлари ривож топмаган.

Областимизда физкультура ва спорт ишларининг қониқарсиз олиб борилаётганлигининг асосий сабабларидан бири шуки, область физкультура ва спорт комитети ва «Пахтакор» жамиятининг область совети оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантиришга суст раҳбарлик қилмоқдалар, улар қуйи коллективлардан ажралиб қолганлар, жойлардаги ҳақиқий аҳвол блан яхши таниш эмаслар. Кўпгина физкультура раҳбар ходимлари канцелярячилик ва бюрократик методлар блан иш олиб борадилар. Улар амалий иш ўрнига кўплаб буйруқлар ва кўрсатмалар берадилар, қоғозбозлик блан шуғулланиб, қуруқ ма'лумотлар тўплайдилар. Раҳбарликнинг партия ва жамоатчилик томонидан қораланган бундай усули ишга зарар етказмоқда.

Бу йилги мавсумда область спорт ташкилотлари олдида жуда катта вазифалар турипти. СССР халқлари спартакиадаси бошлангунча район, шаҳар, область ва республика спартакиадалари ўтказилади. Шунингдек, қишлоқ ёшлари, мактаб, техникум ўқучилари, олий ўқув юртлари студентларининг ҳам спартакиадалари, кўнгилли спорт жамиятлари йўли блан бирнеча мусобақалар ўтказилади. Бу йилги мавсумда Тошкент шаҳрининг маҳоратли спортчилари Ўзбекистон командалари составида халқаро учрашувларда қатнашадилар. Уларнинг Бирма, Афғонистон, Индонезия, Корея Халқ Демократик Республикаси спортчилари блан бирнеча учрашувлари бўлади. Мана бу тадбирларга албатта жиддий тайёргарлик кўриш зарур. Бунинг учун физкультура комитетлари ва «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятлари ўз ишларида жиддий бурилиш ясаб, юз бераётган камчиликларни тезда бартараф қилишлари, спорт коллективлари ва секциялар ишларини тубдан яхшилашлари, оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантириш соҳасида ҳарқачонгидан ҳам яхшироқ ишлашлари ва самарали натижаларга эришишлари керак. СССР халқларининг бўлажак спартакиадасига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўриш, қолган қисқа муддат ичида бу соҳадаги ишларни янада кучайтириш, физкультура коллективларини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифадир.

Физкультура ва спорт ташкилотлари Партия ва Ҳукуматимизнинг физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигига жавобан спортнинг барча турлари бўйича янги-янги муваффақиятларга эришиш учун астойдил курашишлари керак.

СССР халқлари спартакиадасига пухта тайёргарлик блан қатнашайлик!

ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ ГИ МОЛЛЕНИНГ Н. А. БУЛГАНИН ТЕЛЕГРАММАСИГА ЖАВОБИ

СССР Министрлар Советининг Раиси

Н. А. БУЛГАНИН

Жаноб Олийларига

Раис жаноблари.

2 мартда Франция-Марокаш Декларацияси имзоланганлиги муносабати блан Сизнинг менга юборган табригингиз учун ташаккур изҳор қиламан.

Совет Ҳукуматининг Франция ва Марокаш халқларининг умумий манфаатлари ва тинчлик ҳамда эркинликка умумий интилиш асосида Франция блан Марокаш ўртасида бир-бирларига боғлиқ бўлишдан иборат маҳкам ва ишончли муносабатлар ўрнатишга ёрдам бераоладиган воқиага э'тибор блан қараётганлиги менинг Ҳукуматимни хурсанд қилди.

Раис Жаноблари, ғоят юксак ҳурмат билдириб айтган сўзларимни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман.

Ги МОЛЛЕ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Самолётлар бош конструктори ўртоқ А. С. Яковлевни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Самолётлар бош конструктори А. С. Яковлевнинг туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати блан ҳамда унинг янги авиация техникасини яратиш ва ривожлантириш ишидаги хизматларини тақдирлаб ўртоқ Александр Сергеевич **Яковлев Ленин** ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1956 йил 31 март.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Искандар Мирза бир-бирларига мактуб юбордилар

Покистон Ислом Республикаси деб э'лон қилинганлиги ва Искандар Мирза Республика Президенти лавозимига ўтганлиги муносабати блан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ва Республика Президенти Искандар Мирза бир-бирларига мактуб юбордилар.

Қуйида мактубларнинг текстлари босилади.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВнинг ИСКАНДАР МИРЗА жанобларига мактуби

Покистон Ислом Республикаси Президенти ИСКАНДАР МИРЗА Жаноб Олийларига

Президент жаноблари,

Покистон Ислом Республикаси деб э'лон қилинганлиги ва Сиз Республика Президенти лавозимига ўтганлигингиз муносабати блан, Президент жаноблари, Совет Иттифоқи халқларининг ва шахсан менинг самимий табрикларимизни ва шахсан Сизга ҳамда Покистоннинг бутун халқига муваффақият тилаб изҳор қилган энг яхши истакларимизни қабул қилгайсиз.

Жаноб Олийлари, Сизга бўлган самимий ҳурматимни қабул қилгайсиз.

К. Е. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиуми Раиси

Москва, Кремль

Покистон Ислом Республикаси Президенти ИСКАНДАР МИРЗАнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВга мактуби

МОСКВА.

Покистон Республика деб э'лон қилинганлиги туфайли илтифот блан мактуб юбориб, табриклаганингиз ва яхши истаклар тилаганингиз учун Сиз Жаноб Олийларига ва Совет Иттифоқи халқига Покистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин ташаккур билдираман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноб Олийларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахт тилайман, Совет Иттифоқи халқининг узоқ давр осойишта яшаб, гуллаб-яшнашини тилайман.

ИСКАНДАР МИРЗА
Покистон Ислом Республикаси Президенти

Карачи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов блан Греция Короли Павел I нинг бир-бирларига юборган телеграммалари

Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик Куни муносабати блан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Греция Короли Павел I номига табрик телеграммаси юборди.

Греция Короли Павел I СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов номига жавоб телеграммаси юборди.

Қуйида телеграммаларнинг текстлари э'лон қилинади:

Т Е Л Е Г Р А М М А

Эллинлар Короли Павел I Ҳазрат Олийларига

АФИНА.

Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик Куни муносабати блан Сиз Ҳазрат Олийларидан менинг табрикларимни, шунингдек Сизга ва Греция халқига сиҳат-саломатлик тилаб билдирган истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси маршал К. Е. ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига

МОСКВА.

Грециянинг Миллий байрами муносабати блан Сиз юборган табрик мени ғоят та'сирлантирди. Сиз Жаноб Олийларидан менинг қизғин ташаккуримни қабул қилишингизни сўрайман.

ПАВЕЛ, Король.
Афина.

Швециянинг СССРдаги элчиси Р. Сульман ҳузурида зиёфат

Швециянинг СССРдаги фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман Швеция Бош Министри Т. Эрландернинг ва Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунднинг Москвада бўлиши муносабати блан 31 марта зиёфат берди.

Зиёфатда Швеция Бош Министри Т. Эрландер рафиқаси блан, Швеция Ички ишлар министри Г. Хедлунд рафиқаси блан ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, Н. С. Хрушчев, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, СССР Олий та'лим министри В. П. Елютин, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосарлари В. В. Кузнецов, В. С. Семенов рафиқаси блан, СССРнинг Швециядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. К. Родионов рафиқаси блан, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, СССРнинг Швециядаги Элчихонасининг маслаҳатчиси Н. М. Луньков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг ходими А. М. Александров ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Швеция ташқи ишлар министрлиги Сиёсий бўлимининг мудири Г. Ярринг рафиқаси блан, Бош Министрнинг шахсий секретари У Пальме, СССР даги Швеция элчихонасининг маслаҳатчилари Л. Петри ва С. Бом ҳам ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

КПСС Москва область комитетининг пленуми

30 — 31 мартда КПСС Москва область комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Москва область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. П. Волков биринчи масала юзасидан — КПСС Марказий Комитети ва Ҳукумат Министрлар Советининг «Картошка ва сабзавот етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида»ги қарорини Москва областидаги колхоз, МТС ва совхозларда бажариш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда 12 киши қатнашди.

Шундан кейин пленум КПСС Москва комитетининг секретари ўртоқ О. И. Демянцеванинг «Москва областининг, колхоз, МТС ва совхозларда меҳнат сарфлашни камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

— Ленинский, Кунцевский районларида ва областьнинг бошқа кўпгина районларида, — деди докладчи, ортиқча штатларни қисқартириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш соҳасида анча иш қилинди. Областьдаги колхозларда 4.600 киши бевосита колхоз ишлабчиқаришида қатнашиш учун идора-бошқарув аппаратидан озод қилинди. Бунинг натижасида бир ярим миллиондан ортиқ меҳнат куни ва 10 миллион сўмга яқин маблағ тежалади. Колхозларда иш баҳолари ва иш нормалари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Бу чора ҳам маҳсулот единицасига сарф қилинадиган меҳнатни камайтиради. МТСларда идора-бошқарув ходимларининг қисқартирилиши натижасида 4.275 киши бошқа ишлар учун бўшатиб берилади ва бу блан 25 миллион сўм миқдорида йиллиқ ишҳақи фонди тежалади. Совхозлардаги хизматчилардан 1.700 киши ишлабчиқаришга кўчирилди. Умуман олганда, областьдаги колхоз, МТС ва совхозларда ортиқча штатларнинг қисқартирилиши қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим ишларда салкам 15 минг кишидан фойдаланиш имконини берди.

Пленум қатнашчилари техникадан яхшироқ фойдаланиш, ортиқча штатларни тугатиш, меҳнатни нормалашни яхшилаш, совхозларнинг рентабельлигини ошириш масалаларига ва маҳсулот единицаси учун меҳнат сарфлашни камайтиришнинг асосий йўлига — қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини бутун чоралар блан оширишга катта э'тибор бердилар. (ТАСС).

---

1 Май шарафига

Мусобақадошлар

«Чирчиксельмаш», «Средазхиммаш», «Ташсельмаш» заводларининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари ўртасида 1956 йил планнии муддатидан илгари бажариш юзасидан ўзаро социалистик мусобақа шартлари тузилган эди. Мусобақада «Чирчиксельмаш» заводининг машинасозлари олдинда бормоқдалар. Улар январь ва февраль ойлари планини бажаришда самарали натижаларга эришдилар.

Яқинда ана шу мусобақадош корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақанинг иккинчи ойлиги якунланди. Бунда «Чирчиксельмаш» заводининг фидокор коллективи товар ишлабчиқариш планини 117 процентга, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 117,7 процентга, меҳнат унумдорлиги бўйича эса 111,5 процентга етказиб бажарди.

Мусобақадош «Ташсельмаш», «Средазхиммаш» заводларининг коллективлари эса, йил бошидан бери давлат топшириқларини бажараолмай, меҳнат унумдорлигини тобора пасайтириб юбормоқдалар. Шунингдек март ойи давомида ҳам давлат топшириқларини бажараолмадилар.

Чирчиксельмашлилар ишни бир ме'ёрда ташкил этаётганлари, ўзаро социалистик мусобақанинг тинмай қучайтираётганликлари туфайли март ойи топшириғини ҳам муваффақиятли бажардилар. Ҳозир меҳнатсевар коллектив майолди социалистик мусобақасини янада кучайтириб, қишлоқ хўжалиги учун янада кўпроқ машина ва запас қисмлари етказиб беришда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

М. ДЕДЯЕВ.

Қишлоқ хўжалиги учун

Тошкентдаги аравасозлик заводининг ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари қишлоқ хўжалиги заказларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириб, иш сур'атини тобора оширмоқдалар.

Корхонада иш процессларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу соҳада рационализаторлар катта ҳисса қўшаётир. Гилдирак цехининг ишчиси ўртоқ Александр Шуванов икки долбеж станогини икки киши ўрнига бир ўзи бошқарадиган бўлди. Ҳозир у айрим процессларни ярим автоматлаштириш устида иш олиб бораётир. Механика цехининг бошлиғи ўртоқ Б. Б. Базиров фрезер станогини долбеж станоги ишини бажарадиган қилиб, токарлик станогини расточка ишларини ҳам бажараоладиган қилиб ўзгартирди.

Ишлабчиқариш операциялари такомиллаштирилаётгани туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Коллектив февраль ойи топшириғини ортиқ блан бажариб, пландан ташқари 50 та борона, 200 дона окучник, бирнеча ўнлаб «КБ» маркали культиватор ва 14 та бункер ишлаб берган эди.

Завод коллективи майолди социалистик мусобақасини янада кучайтириб, март ойи охиригача 2 минг 800 дона борона ишлаб берди. Бунда механика цехининг ишчиларидан Я. Некрасов, Б. Соболев, И. Жилин, С. Содиқов, Н. Анжонова ўртоқлар социалистик мусобақанинг илғори бўлиб, смена топшириқларини ҳардоим 1,5—2 ҳиссага етказиб бажараётирлар.

З. ШОКИРОВ.

Социалистик мусобақа кучайтирилмоқда

Тошкентдаги «Автотрактородеталь» заводининг коллективи ишлабчиқариш технологиясини тобора такомиллаштирибориб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Завод ишчилари қишлоқ хўжалиги учун запас қисмлар ва детальлар тайёрлаб МТСларга жўнатмоқдалар.

Корхонада бирқатор технологик тадбирлар амалга оширилганлиги туфайли ўтган ойлар плани муддатидан илгари бажарилиб, пландан ортиқча бирнеча минг сўмлик маҳсулот берилди. Мусобақада қолиб чиққан пешқадам ишчилардан Х. Усмонов, В. Горбанов, Б. Старченко ўртоқлар смена нормаларини системали равишда 2—2,5 ҳиссадан адо этмоқдалар.

Завод коллективи КПСС XX с'езди қарорларида белгиланган тадбирларни амалга оширибориб, ишлабчиқаришдаги барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Чирчиқ шаҳридаги тикучилик фабрикасининг меҳнатсевар коллективи КПСС XX с'езди қарорларидан руҳланиб, аҳолига хушбичим кийимлар тикиш ва унинг сифатини яхшилаш учун курашда самарали натижаларга эришмоқда.

Корхонада иш операцияларини механизациялаштиришга катта э'тибор берилаётир. Илгари тайёр кийимларга тугмалар асосан қўлда қадалар эди. Бу иш процесси механизациялаштирилди. Натижада иш операцияси анча енгиллашиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги эса, аввалгига қараганда 10 баравар ортди. Кийимларнинг енгларини қисиб силлиқлайдиган пресс, бичиш машинаси, тайёр маҳсулотларга ёрлиқ-марка қадайдиган талон машинаси ўрнатилди.

Ўтган ойлар мобайнида пландан ташқари бирнеча юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган фабрика коллективи 1 Майни муносиб кутиб олиш учун зўр ғайрат блан ишламоқда.

Т. УРУНОВ.

БАҲОРИ ДОН ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

КПСС XX с'езди қарорларидан руҳланган чиноз районидаги Ленин номли колхоз а'золари қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Колхоз а'золари кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўриш блан бирга баҳори буғдой, ва арпани ўз вақтида, сифатли экиб олдилар.

Колхоз галлакорлари ғанимат кунлардан тўла ва унумли фойдаланганлари ҳолда астойдил меҳнат қилиб, 160 гектар ерга буғдой, 40 гектар ерга арпани илғор агротехника қоидалари асосида экдилар. Колхозда баҳори донларни белгиланган муддатда экиб олишда МТСнинг илғор механизаторларидан ўртоқ Тешабой Қолировнинг хизматлари мақтовга сазовордир. У, ерларни ҳайдаш, бороналашдан тортиб экишгача бўлган процессда актив қатнашиб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Шунингдек, эравакашлардан ўртоқ Абдулла Бойтемиров уруғлик буғдой ва арпани ўз вақтида етказиб беришда алоҳида ғайрат кўрсатиб ишлади.

Колхоз галлакорлари дон экиш планини белгиланган муддатда тўла бажардилар.

С. ҲАМРОЕВ.

ЭРТАГИ КАРАМ ЭКИБ БЎЛИНДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Советининг картошка ва сабзавот етиштиришни ҳамда тайёрлашни кўпайтириш тўғрисида чиқарган қарорига жавобан, Қорасув районидаги М. Горький номли колхоз а'золари бу йил картошка ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштириш мақсадида кўклам экиш кампаниясини ҳартарафлама шайланиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар. Улар бу йил 12 гектар ерга эртаги карам экишни планлаштирган эдилар. Ана шу мақсад блан барча экин майдонларини экиш кампаниясига сифатли тайёрладилар. Улар социалистик мусобақа асосида ғайрат блан меҳнат қилиб, планда белгиланган 480 минг туп карам кўчатини муддатидан илгари, агротехника асосларида экиб олдилар. Айниқса С. Азизов, О. Эрматов ҳамда С. Солиев ўртоқлар бошлиқ бригада а'золарининг самарали меҳнатлари мақтовга сазовордир. Колхознинг М. Номозова, Х. Исмоилова, Ф. Маҳмудов, М. Жаҳонова ва Р. Абдувалиева ўртоқлар сингари ишчан а'золари кундалик нормаларини ортиқ блан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Ҳозир колхоз а'золари бошқа эртаги экинларни қисқа вақт ичида сифатли экиб олиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Р. МУХСИМОВА.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг 1955 йил қатнашчиларига олтин ва кумуш медальлар топширилди

Яқинда, Тошкент область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ф. Хўжаев Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси Бош Комитети номидан социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришган ютуқлари учун 1955 йилда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашган илғорларга олтин ва кумуш медальлар топширди.

Областимизда ҳаммаси бўлиб 206 кишига, шу жумладан 6 кишига катта олтин медали, 24 кишига кичик олтин медали, 44 кишига катта кумуш медали ва 132 кишига кичик кумуш медали берилди.

Ўртоқ Хўжаев илғорларни юксак мукофот блан табриклади.

Коммунистик партия—СССРда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг совет кишилари сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган, партия бан халқнинг қудратли бирлиги бениҳоя кучайган бир вазиятда бўлиб ўтган XX с'езди партиямиз тарихига, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихига коммунизм ғолиб қуручиларининг с'езди бўлиб киради.

Ярим асрдан кўпроқ вақт илгари ғениал Ленин томонидан тузилган Коммунистик партия кураш ва тараққиётнинг шонли, революцион йўлини босиб ўтди. В. И. Ленин Коммунистик партияни янги типдаги партия, ишчилар синфининг жангговар, революцион ташкилоти этиб тузди, унинг идеологик, ташкилий, тактик ва назарий асосларини ишлаб чиқди. Коммунистик партия ўзининг бутун фаолиятида ғолиб ва доим барҳаёт марксизм-ленинизм та'лимотига қаттиқ амал қилмоқда. КПСС XX с'езди марксизм-ленинизм ижодий назариясини янада ривожлантирди. Партия Марказий Комитети ҳозирги халқаро тараққиётнинг энг муҳим масалаларини — икки системанинг тинч-тотув бўлиб яшаши тўғрисидаги, ҳозирги даврда урушларнинг олдини олиш имкониятлари тўғрисидаги ва турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари ҳақидаги масалаларни ишлаб чиқдики, бу нарса тинчлик, тараққиёт ва социализм йўлида кураш олиб бораётган барча қардош коммунистик ва ишчи партиялари учун қудратли ғоявий қуролдир.

* * *

Коммунистик партия Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди. В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлиги остида мамлакатимизда Совет социалистик давлати барпо этилди ва мустаҳкамланди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида гражданлар урушидаги чет эл ҳарбий интервентларини ва ички контрреволюцияни тор-мор қилди. Гражданлар уруши ғалаба бан якунланганидан сўнг партия вайрон қилинган халқ хўжалигини тезда тиклашни йўлга қўйди ҳамда социалистик жамият қуришнинг ленинча планини амалга оширишга киришди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида ўз мамлакатида эксплуататор синфларни ва кишини киши эксплуатация қилишни тугатди, социализм қурди.

Улуғ Ленин социалистик ва коммунистик қурилишнинг моддий асоси оғир индустрия эканлигини доим та'кидлаб кўрсатди. Коммунистик партия Ленининг кўрсатмасига қаттиқ амал қилиб, мамлакатни социалистик индустриялаш планини амалга ошириб, мамлакатимизни саноати юқсак даражада ривожланган социалистик давлатга айлантирди.

Мамлакатимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстириш юзасидан бешинчи бешйиллик план топшириғи мудатидан илгари — тўрт йилу тўрт ой мобайнида бажарилди. Илгариги бешйилликларда бўлгани каби, бешинчи бешйиллиқда ҳам халқ хўжалигини ривожлантириш оғир индустрияни устун даражада юксалтириш асосида борди. Исте'мол буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан ҳам бешйиллик план ошириб бажарилди.

КПСС XX с'езининг Директивалари олтинчи бешйиллиқда саноат маҳсулоти ҳажмини 65 процент кўпайтиришни кўзда тутади. Демак, 1960 йилда — олтинчи бешйилликнинг охирги йилида, мамлакатимизда саноат маҳсулоти 1950 йилдагига қараганда 3 баравар кўп ва урушдан олдинги 1940 йилдагига қараганда 5,3 баравар кўп ишлабчиқарилади. Бешйиллиқда ишлабчиқариш воситалари ишлабчиқариш тахминан 70 процент ва исте'мол буюмлари ишлабчиқариш тахминан 60 процент кўпаяди.

Коммунистик партия оғир саноатни устун даражада ривожлантириш асосида сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг барча тормоқларини ҳам анча олга силжитди. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг бу муҳим тормоғини кескин равишда юксалтириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуддир. Олтинчи бешйиллиқда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти тахминан 70 процент ортиши керак. 1960 йилда мамлакатимизда ялпи дон ҳосили 11 миллиард пудга етказилади, шунингдек техника экинлари ҳосили ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади.

Партия XX с'езди социалистик экономикани ривожлантириш соҳасида мамлакатимизнинг асосий вазифасини белгилаб берди. СССРнинг бу асосий иқтисодий вазифаси — тинч иқтисодий мусобақа йўлида тарихан қисқа муддат ичида аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдан иборатдир.

Социалистик экономиканинг ҳартарафлама ўсиб бориши асосида совет халқининг модий ва маданий турмуши даражаси тинмай юксалиб бормоқда. Бешинчи бешйиллиқ мобайнида СССРнинг миллий даромади 68 процент ўсди, ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи, колхозчиларнинг даромадлари кўпайди.

КПСС XX с'езди олтинчи бешйиллик юзасидан қабул қилган Директивалар миллий даромаднинг янада кўпайтирилишини, ишчи ва хизматчиларнинг реал ишҳақини ўртача тахминан 30 процент; колхозчиларнинг пул ва натура даромадларини ўртача камида 40 процент; ишчи ва хизматчиларга нафақа бериш ва социал страхование бўйича давлат харажатларини анча кўпайтиришни; уй-жой бинолари қурилишини жиддий суратда яхшилаш ва анча кенгайтиришни; умумий ўрта та'лимни асосан амалга оширишни; совет фанини янада ҳартарафлама ривожлантиришни; ишчи ва хизматчиларнинг ишҳақини камайтирмаган ҳолда қисқартирилган иш кунига ўтишни кўзда тутади ва ҳоказо.

Халқ хўжалиги барча тормоқларини ривожлантириш ва совет кишиларининг моддий ва маданий турмуши даражасини тинмай юксалтирабориш юзасидан Партия ва Ҳукуматимиз амалга оширган бирқанча муҳим тадбирлар ишчилар синфи бан колхозчи деҳқонлар иттифоқининг янада мустаҳкамланишига, СССР халқлари дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг, совет ижтимоий ва давлат тузумининг янада мустаҳкамланишига олиб келди.

Коммунистик партиянинг Совет Социалистик Республикалари тўғрисида қилаётган буюк тамҳўрлиги иттифоқчи республикаларнинг экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик планда белгилаб берилган улуғвор программасида ёрқин ифодасини топди. Олтинчи бешйиллиқда биргина Совет Ўзбекистонида саноатнинг ялпи маҳсулоти тахминан 1,6 баравар ортиши керак.

Олтинчи бешйиллик план саноатнинг пахтачилик бан боғлиқ бўлган тармоқларини ва биринчи галда қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳамда тўқимачилик машинасозлигини, минерал ўғит ишлабчиқарадиган саноатни, пахта ва ёғ саноатини янада ривожлантиришни кўзда тутади. Рангли металлургияни ва нодир металлар ишлабчиқаришни янада ривожлантириш соҳасида кўп ишлар амалга оширилади.

Олтинчи бешйиллиқда Оҳангарон азотўғит заводи қурилабошлайди. Бу заводнинг қуввати Чирчиқ электрохимия комбинатининг қувватидан ортиқ бўлади. Фарғона нефть тозалаш заводи ишга туширилади. Қувасой цемент заводини реконструкция қилиш тугалланади. Олтинчи бешйиллик мобайнида республикада энергетика қувватларининг оширилиши барча областьларнинг электр қувватига бўлган асосий эҳтиёжларини тўла қондириш имконини беради.

КПСС XX с'езди, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифаси пахтачиликни бутун ҳоралар бан янада ривожлантиришдан иборат, деб кўрсатди. 1960 йилда пахта етиштириш 1955 йилдагига қараганда тахминан 1,5 баравар ортиши керак. Ўзбекистон 1956 йилдаёқ 2 миллион 900 минг тонна пахта етиштириши, я'ни ўтган йили топширилган пахта миқдорига қараганда 400 минг тонна кўпроқ пахта бериши лозим. Республикада ғўшт, сут, шерсть, қоракўл терилари, пилла етиштириш ҳам кескин равишда кўпайтирилади. Олтинчи бешйиллик мобайнида 325 минг гектар майдонда суғориш тормоқлари қуриш ва 6 миллион 800 минг гектар ерга сув чиқариш ишлари амалга оширилади. Туябўғиз, Чимқўрғон ва Сурхондарё сув омборлари қуриб битказилади.

Ўзбек халқининг социалистик мазмунли миллий маданияти мислсиз даражада юксалди ва гуллаб-яшнади. Октябрь революциясига қадар территориясида битта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 30 дан ортиқ олий ўқув юрти, 1 миллион 270 минг ўқучи та'лим олаётган 5 мингдан ортиқ мактаб, Фанлар академияси ишлаб турипти. Республикада социалистик миллий интеллигенциянинг инженерлар, ўқитувчилар, врачлар, композиторлар, ёзувчилар ҳамда раҳбар партия, совет ходимларидан иборат, Коммунистик партия ишига чексиз содиқ бўлган кўпсонли армияси ўсиб етишди.

Совет Ўзбекистонини чет элларда ҳам яхши биладилар. Фақат сўнгги йиллар мобайнидагина ўнлаб четэл мамлакатларидан келган юзлаб кишилар Ўзбекистонда бўлдилар. Улар ҳамма ерда ўз улуғ Ватанининг бойликларини кўпайтириш йўлида тинч меҳнат қилаётган совет кишиларини кўрдилар.

Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети давлат аппарати ишларини яхшилаш, уни меҳнаткашлар оммасига энг кўп даражада яқинлаштириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Коммунистик партия бюрократизмга, аҳоли эҳтиёжларига бефарқ ва э'тиборсизлик бан қараш фактларига, қонунсизликка, ўзбошимчаликка, социалистик қонунчиликни бузишнинг ҳаркандай кўринишларига қарши курашиб келди ва бундан буён ҳам қат'ий курашади. Партиямиз раҳбарлик қилаётган Совет давлати СССРда коммунизм қурилишининг асосий қуроли, социалистик Ватан мустаҳкам мудофаасини та'минлашнинг қудратли ғаровидир.

Коммунистик партиянинг кўпмиллатли Совет давлатига, шунингдек ҳарбир социалистик республикага раҳбарлик қилишда ортдирган катта тажрибаси жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Коммунистик партиянинг бой мазмунли буюк фаолияти социализм қураётган халқ демократияси мамлакатларидаги қардош коммунистик ва ишчи партиялари учун ёрқин ўрнакдир.

Коммунистик партия мамлакатимиз халқларининг ижодий кучларини коммунистик жамият қуриш ишига сафарбар қилмоқда. КПСС XX с'езди қабул қилган Директиваларда олтинчи бешйиллик совет мамлакати ишлабчиқарчи кучларининг янада қудратли равишда ривожланиши бешйиллиги, халқ хўжалигининг янада юксакроқ техника базасига ўтиши бешйиллиги, барча сифат кўрсаткичларнинг жиддий равишда яхшиланиши ҳамда хўжалиқ раҳбарлиги даражасининг янада ўсиши бешйиллиги бўлажаги кўрсатиб ўтилди. Коммунистик партия В. И. Ленининг, меҳнат унумдорлиги янги тузумнинг ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарса эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасига амал қилиб, ишлабчиқаришдаги унумдорликни ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш манфаатлари, СССР халқларининг ҳаётий манфаатлари бутун дун'ёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашни талаб қилади. Шунинг учун ҳам Совет давлати Коммунистик партия раҳбарлиги остида тинчликсеварликдан иборат ленинча ташқи сиёсатни изчиллик бан амалга оширмоқда. Коммунистик партия, бу ёки у мамлакатда қандай ижтимоий тузум мавжуд эканлигидан қат'ий назар, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун курашнинг буюк илҳомлантиручи кучи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Партия XX с'езди халқаро муносабатлар соҳасида ҳисобот даври ичида кескинлик ма'лум даражада юмшаганлигини ҳамда халқаро майдонда тинчликни мустаҳкамлашнинг реал перспективалари вужудга келганлигини кўрсатиб ўтди. Совет ҳукумати барча мамлакатлар бан муносабатларни яхшилаш, ишончни мустаҳкамлаш ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш учун сабот бан курашмоқда. Ҳозирги вақтда социализмнинг позициялари ҳарқачонгидан ҳам мустаҳкамроқдир. Эндиликда социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди. Социалистик лагерь мамлакатларининг экономикаси қардошларча ҳамкорлик ва тенҳуқуқлилик шароитларида ривожланмоқда ва юксалмоқда.

Халқаро майдонда ҳарбий блокларда қатнашмасликни ўз ташқи сиёсатининг принципи деб а'лон қилган бирқанча тинчликсевар давлатларнинг вужудга келганлиги халқаро ҳаётда жуда катта воқиа бўлди. Тинчлик кучлари ўсиб бормоқда ва тобора активроқ бўлиб қолмоқда. Қудратли ижтимоий ва сиёсий кучлар тинчлик ишини актив ҳимоя қилаётган ҳозирги шароитларда фатал равишда муқаррар бўладиган урушлар йўқ. Броқ, империализм мавжуд экан, урушларнинг келиб чиқиши учун иқтисодий асос ҳам сақланиб қолади, деган ленинча қоида ўз кучида қолавераді. Тинчлик кучларининг ўсиб ва мустаҳкамланиб бораётганлиги бан бир қаторда бирқанча капиталистик мамлакатларда зўр бериб қуролланиш, агрессив блоклар тузиш, «совуқ уруш»ни авж олдириш давом этдирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси тинчликсевар давлатларнинг хуш'ёрлигини ошириши, социалистик лагерь мамлакатлари куч-қудратини янада мустаҳкамлашни талаб қилади.

Коммунизм қураётган совет халқининг коллектив йўлбошчиси бўлган КПСС, бирор мамлакатда янги ижтимоий тузум барпо қилиш ўша мамлакат халқининг ички иши эканлигини алоҳида уқдириб келди. Коммунистик партия, марксизм-ленинизм та'лимотига тўла мувофиқ равишда, мамлакатларнинг социализмга ўтиш формаси бундан кейин тобора кўпроқ хилма-хил бўлиши тамомила қонунийдир, деб кўрсатмоқда.

Совет Иттифоқи ички тараққиёт соҳасида, халқаро майдонда, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашда эришган жаҳоншумул-тарихий ғалабалар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг буюк раҳбарлик фаолияти бан чамбарчас боғлиқдир.

«КПСС Марказий Комитетининг муваффақиятли фаолияти, — дейилади партиямиз XX с'езди КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан қабул қилган резолюцияда, — маркса-ленинча та'лимотни ижодий равишда татбиқ этишга, коллектив раҳбарликнинг ва ички партия демократиясининг ленинча принципларига қаттиқ риоя қилинишига, партиямизнинг халқ бан чамбарчас боғланиши тўғрисидаги ленинча кўрсатмаларни оғишмай бажаришга асосланди».

Идеология ишлари социализмдан астасекин коммунизмга ўтиш даврида айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлади. Коммунистик партия капитализмнинг айрим кишиларимиз турмушидаги ва онгидаги сарқитларига қарши кураш олиб бормоқда. Партия совет халқини илмий дун'ёқараш руҳида, интернационализм ва барча мамлакатлар меҳнаткашлари бан қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш руҳида тарбияламоқда.

КПСС XX с'езди, Марказий Комитет шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари ҳақида ҳаққоний ва ҳаётий ҳақиқатни ошириш ва ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ленинча принципларга, партия ва давлат ишларини ташкил этишнинг ленинча принципларига, партия ва давлат ишларини ташкил этишнинг ленинча принципларига, партиянинг ва давлатнинг ҳаётидаги ленинча принципларга

ЧИГИТ ЭКИШГА ҲАРТАРАФЛАМА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАИЛИК!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Қолоқликдан чиқамиз

КПСС XX с'езди олтинчи бешйилликда пахта ҳосилини бир ярим баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини муттасил ривожлантиришни олдимизга асосий вазифа қилиб қўйди. 1956 йил — олтинчи бешйилликнинг биринчи йили ана шу гоят катта вазифаларни бажаришда ҳарбир пахтакор ва механизатор учун, барча қишлоқ хўжалик ходимлари учун катта синов йили бўлади.

Халқимизда «эрта эккан хирмон қилур, кечга қолган армон қилур» деган ҳикматли мақол бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Мўл ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан чигитни эрта ва қисқа муддатда экиш, ернинг табиий нами билан текис ундириб олишга боғлиқ. Биз ўтган йили экишга пухта тайёрланмай киришиб, анча кечикдик. Чигитни ернинг табиий намига ундириб ололмадик. Агротехниканинг ҳосилни оширишга ёрдам беручи прогрессив усулларини амалга оширишга етарли э'тибор бермадик. Хирмон пайтида, ҳосил тарозига тушганда «аттанг» деб бармоқ тишлаб қолдик: планимиз тўлмай қолди. 1954 йилда 24 центнердан ҳосил тўккан еримизнинг ҳар гектаридан 16,8 центнердан пахта олдик. Техника воситаларидан тўғри ва унумли фойдаланмаганлигимизнинг оқибати шу бўлдики, 1 центнер пахта етиштириш учун 12,7 меҳнат куни сарфладик.

Биз ернинг унумдорлигини оширишда фақат давлатдан бериладиган минерал ўғитларгагина таяндик. Беҳисоб маҳаллий ўғитларимиз бўлишига қарамай, улардан яхши фойдаланмадик. Бу ҳам еримиз унумдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Колхозимизнинг камҳосилли бўлиб қолишига яна шу нарса ҳам сабаб бўлдики, биз ишнинг тақдирини ҳал қилучи кадрлар танлаш масаласига етарли аҳамият бермадик. Ишлабчиқариш бригадаларини ва звеноларини ишнинг кўзини биладиган тажрибали кадрлар билан мустаҳкамламадик. Биргина 6-нчи бригадамизнинг ўзида ёз бўйи 3 та бригада бошлиғи алмаштирилди. Натижада бу бригада гектаридан атиги 13 центнердан ҳосил олди.

Колхоз партия ташкилотининг собиқ секретари Ёсимов колхозда партиявий-ташкилий ва оммавий-тарбиявий ишларни олиб боришда нўноқлик қилди. Колхозда-ги 11 коммунист колхоз ишлабчиқаришига тўғри жойлаштирилмади. Фақат колхозчилар оммасигина эмас, ҳатто коммунистлар ҳам колхоз ишлабчиқаришига тўла сафарбар қилинмади. Натижада колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Дангасалар, фақат колхозга а'зо бўлгани учун томорқа экиб, колхозчилар учун берилган барча имтиёзлардан фойдаланиб юрушилар кўпайиб кетди. Колхоз бўйича 117 колхозчи белгиланган меҳнат минимумини бажармади.

(Янгийўл районидаги Навоий номли колхознинг раиси Турсунбой РАҲМОНОВ блан суҳбат).

Ёсимов партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ишни эплайолмагани учун вазифасидан озод қилинди. Ўрнига қобилиятли, колхоз ишлабчиқаришини, партия ишларини яхши биладиган ўртоқ М. Мусаев сайланди. Шундан кейин партия ташкилотининг фаолияти анча яхшиланди. Колхоз правленияси, партия ташкилотининг янги состави блан колхознинг қолоқлик сабабларини синчиклаб ўрганиб чиқди. Бригада ва звено бошлиқлари ишбилармон ва тажрибали кишилардан танлаб қўйилди. Пахта ҳосилини ошириш, чорвачиликни ривожлантиришнинг конкрет тадбирлари белгиланди. Бу тадбирлар умумий йиғилиш муҳокамасига қўйилди. Колхозчилар 450 гектар пахта майдонининг ҳаммасига агротехниканинг прогрессив методини қўллаб, торқаторлаб чигит экишга, гектаридан камида 30 центнердан ҳосил етиштириб, колхознинг илгариги мавқеини тиклашга қат'ий қарор қилдилар.

Ерларимиз илгари дашт-баҳорикор ерлар бўлса ҳам соғ тупроқ бўлгани учун анчагина ҳосилда ернинг нами сиртига тепиб, захлатиб юборади. Оқибатда ер ишдан чиқиб, қилинган меҳнат, солинган ўғит зойи кетади. Шунинг учун ер захини қочириш, ирригация-мелиорация ишларини тартибга солиш ҳосилни кўтаришда муҳим аҳамиятга эга. Колхозимиз қолоқлигининг асосий сабабларидан бири ана шу, деган хулосага келдик. Бу тўғрида район ва область ташкилотлари олдига талаблар қўйдик. Бу йил колхозимиз территориясида давлат томонидан 12 километр узунликда зовурлар қазиб бериладиган бўлди. Экскаваторлар ишга тушиб, тупроқ ишларининг анчагина қисмини бажариб қўйди. Давлатнинг бу ёрдами ерларимиз мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини тартибга солиш ва ҳосилни оширишга имкон беради.

Биз чигит экишни бошлаб юборишга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдик. Ерларимиз етилиши блан бороналаб, чигит экишга киришамиз. 4 ҳайдов трактори, 9 «универсал», 7 сеялка ва барча қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтдан чиқарилиб, экишга тахт қилиб қўйилди. 120 тонна селитра, 208 тонна суперфосфат, 50 тонна сульфатаммоний ва бошқа минерал ўғитлар колхозга ташиб келтирилди. Пахта ерларига 593 тонна маҳаллий ўғит чиқардик.

Юқоридаги дастлабки тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, ғўзанинг ёзги парваришида техника воситалари ва ички имкониятлардан тўғри фойдаланиб, бу йил албатта юқори ҳосил етиштирамиз.

☆

Партия ва Ҳукуматимиз қарорларидан руҳланиб

Ўтган йили гектаридан 20 центнердан ҳосил топширган Мирзачўл районидаги Шверник номли колхоз а'золари бу йил 470 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш каби юксак мажбурият асосида ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

—Биз ўтган йили чигитни квадрат-уялаб экишнинг нақадар афзаллигини ўз тажрибамизда аниқ кўрдик,—дейди колхоз раиси ўртоқ Ю. Ҳамидов,—бу йил барча пахта майдонларига чигитни квадрат-уялаб экиб, механизация блан иккитомонлама ишлашга қарор қилдик.

Ҳозир колхоз а'золари кўклам экиш кампаниясини ҳартарафлама пухта тайёргарлик блан кутиб олиш мақсадида кузда шудгорлаб қўйилган ерларнинг намини сақлаб қолиш учун маҳаллий ўғит сочиб, борона қилмоқдалар, марза, уватларни ҳамда баланд-паст ерларни текислаб, карталарни яхлитлаштираётирлар. Ариқ-зовурларни тозалаш ишлари аллақачон сифатли қилиб тугалланган. Қайси участкаларда чигит қайси усулда ва қайси томонга қараб экилиши аниқланиб, қозиқлар қоқиб қўйилди.

Колхозда дала ишлари айниқса Ш. Тошбоев, Т. Ҳожимуродов, С. Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда намунали ташкил этилган. Бу бригадаларнинг а'золари ҳар гектаридан 30—35 центнердан ҳосил етиштириш учун ғайратларига-ғайрат кўшиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бозорбой Отахонов, Сухон Умматов ўртоқлар бошлиқ звено а'золари эса гектаридан 35—40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Х. САГИЗОВ.

„БАЖАРАМИЗ" ДЕЙИШДАН БАЖАРГАН ЯХШИРОҚ...

Октябрь МТСининг директори Василий Степанович Ноздринга бирор мажлисда сўз берилгудай бўлса, у роса уч соат гапиришга тайёр. Василий Степанович тўртта рақам ёзилган қоғозга қараб, қанча-қанча гапларни қалаштириб ташлайди. Сиз шунда ундан: «Ишлар қалай, ишдан гапиринг», десангиз, «Ишимиз жойида, ҳотиржам бўлинг, бажарамиз, дўндирамиз, қойил қиламиз» деб юборади.

Хўш, ўртоқ Ноздрин директор бўлган Октябрь МТСида иш ҳақиқатан ҳам яхшими? Йўқ, яхши эмас. Ҳозиргача 2 минг гектарга яқин пахта ери ҳайдалмаган, кузда шудгор қилинган ерларни бороналаш ишлари ҳам жуда сust олиб борилаётир. Бунинг устига МТС хизмат қилаётган айрим колхозларда бирнеча юз гектар ер ҳозиргача ҳам ғўзапоядан тозаланмаган.

Далада ишлаётган тракторлар блан кунлик график мутлақо бажарилмаётир. Агар сур'ат шу зайилда кетаверса, ер ҳайдаш ишлари 25—30 кунга чўзилиши турган гап.

Ўртоқ Ноздринга бир маслаҳатимиз бор: ўн марта бажарамиз дейишдан кўра, астойдил ҳаракат қилиб, бир марта бажарган яхшироқ! (Мухбир хабаридан).

— Далага қарамай бажарамиз, деганинг ҳайронман...
— Нима бўлибди, тракторларни ремонтдан қойилмақом қилиб чиқариб қўйдик-ку...

В. ЗИНОВЬЕВ чизган сурат.

Чигитни квадрат-уялаб экиш учун

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз райондаги йирик ва юқори ҳосилли колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз а'золари ҳар йили фидокорона меҳнат қилиб, пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажараётирлар. Ўтган йили колхоз а'золари 1200 гектар ерга чигитни янги прогрессив усулда экиб, ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиб олишга муваффақ бўлган эдилар. КПСС XX с'езди қарорларидан руҳланган пахтакорлар МТС механизаторлари блан ҳамкорликда пахта майдонларини ўғитлаб, сифатли ҳайдовдан чиқариб қўйдилар. Ирригация-мелиорация ишлари барвақт тамомланди. Кўклам экиш кампаниясини пухта тайёргарлик блан кутиб олиш учун дала ишлари барвақт бошланиб, пахта майдонлари бороналанмоқда. Колхозда чигитни квадрат-уялаб экиш учун МТСда ташкил этилган курсда бир группа колхозчилар ўқиб, янги усулда чигит экиш қоидаларини пухта ўрганиб олдилар.

Колхоз а'золари бу йил 1200 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экиб, ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш учун кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари ҳарқачонгидан ҳам пухта ва сифатли олиб борилмоқда.

Н. АЛИМУҲАМЕДОВ.

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян блан Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нунинг ҚЎШМА БАЁНОТИ

СССР ҳукуматининг Бирма Иттифоқи халқига совға тариқасида Рангунда СССРнинг кучлари ва маблағлари блан технология институти қуриш ва уни жиҳозлаш тўғрисидаги таклифи ҳамда Бирма Иттифоқи ҳукумати томонидан ана шу совғанинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги, шунингдек Бирма Иттифоқи ҳукуматининг Совет Иттифоқи халқига совға тариқасида тегишли миқдорда гуруч ва Бирма саноатининг бошқа ба'зи товарларини етказиб бериш тўғрисидаги таклифи ҳамда Совет ҳукумати томонидан ана шу совғанинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар ҳар иккала мамлакат жамоатчилигини гоят мамнун қилди.

Шу муносабат блан ва ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги ҳамкорликнинг давом этдирилаборишн натижасида СССР ҳукумати Бирма Иттифоқи халқига совға тариқасида Рангунда СССРнинг кучлари ва маблағлари блан госпиталь, театр биноси ва стадиони ҳам бўладиган маданий-спорт комбинати, саноат ва қишлоқ хўжалик виставкаси учун конференц зали бўлган бинолар ва гостиница биносини қуриш ҳамда жиҳозлашни ҳам таклиф этди. Бирма Иттифоқи ҳукумати бу совғани миннатдорчилик блан қабул қилди. Бирма Иттифоқи ҳукумати ҳам Бирма халқи номидан Совет Иттифоқи халқига совға тариқасида тегишли миқдорда гуруч беришни таклиф этди. СССР ҳукумати бу совғани миннатдорчилик блан қабул қилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. МИКОЯН.

Бирма Иттифоқи Бош Министри У НУ

Рангун, 1956 йил 1 апрель.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Бирма Иттифоқи ўртасидаги савдо муносабатлари тўғрисида СОВЕТ—БИРМА АХБОРОТИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Бирма Иттифоқига қилган визити вақтидаги келишувга мувофиқ, Рангунда ССР Иттифоқи Ҳукумати ва Бирма Иттифоқи Ҳукумати вакиллари ўртасида музокаралар олиб борилди. СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян блан Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну иштирокида, Қўшимча Савдо Битими ва бир-бирларига товарлар етказиб бериш ва ўзаро хизмат кўрсатиш тўғрисида узоқ муддатга мўлжалланган Протокол, шунингдек ҳар иккала Ҳукумат ўртасидаги ҳисоб-китоб тартибини белгилайдиган бирқанча ҳужжатлар имзоланди.

Қўшимча Савдо Битими 1955 йил 1 июльда тузилган Совет-Бирма Савдо Битимининг муддатини 5 йилга узайтиради. Мазкур Савдо Битими тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларини бутун чоралар блан ривожлантириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Протоколга мувофиқ, Совет Иттифоқининг Бирма Иттифоқига асбоб-ускуналар, машиналар ва бошқа товарларни етказиб бериши эвазига, шунингдек Совет Иттифоқининг Бирма Иттифоқига техника хизмати ва бошқа хизматларни кўрсатиши эвазига Бирма Иттифоқидан тўрт йил мобайнида ҳар йили 400.000 тонна гуруч етказиб берилади.

Бирма Ҳукумати истаган тақдирда, Совет Ҳукумати Бирмадаги давлат ташкилотларига, уларнинг агентликлари ва фирмаларига Бирма Иттифоқининг СССРдан сотиб оладиган машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа товарлар блан танишиб чиқиш имконини беради.

Қўшимча Савдо Битимига, узоқ муддатга мўлжалланган Протоколга ва бошқа ҳужжатларга совет томонидан — СССРнинг Бирма Иттифоқидаги Элчиси А. Д. Шчиборин ва Савдо атташеси М. И. Крилов; Бирма томонидан — Бирма Иттифоқи Савдо-сотиқни ривожлантириш министри У Рашид қўл қўйди.

Қўшимча Совет-Бирма савдо битимининг тузилиши ва совет машиналари, асбоб-ускуналари ва бошқа товарлари эвазига, шунингдек техника хизмати ва бошқа хизматлар эвазига Совет Иттифоқининг анча кўп миқдорда Бирма гуручини сотиб олишини кўзда тутган протоколнинг тузилиши ҳар иккала мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосларида янада мустаҳкамланишига ва кенгайтирилишига ёрдам беради.

А. И. Микоян блан У Нунинг қўшма баёноти

РАНГУН, 1 апрель. (ТАСС). Бугун буерда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян ва Бирма Иттифоқининг Бош Министри У Ну қўшма баёнотни имзоладилар.

Баёнотни имзолаш вақтида Бирма Мудофаа министри У Ба Све, Саноат минисри У Чжо Нейн, Савдо- сотиқни ривожлантириш министри У Рашид, Молия министри У Тин, Та'минот министри Бо Мин Гаунг, Юстиция министри У Кин Маунг Дат, Карен давлати ишлари министри Со Хла Тун, Давлат ишлари министри Кад Сао Бунна ҳозир бўлдилар.

А. И. Микояннинг барча ҳамроҳлари ва СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин ҳам ҳозир бўлдилар.

Умумий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб...

ДАВЛАТ ПЛАНИ—ҚОНУН

СССР Йўллар министрлигига қарашли Тошкент машинасозлик заводи республикамиз пойтахтидаги энг йирик корхоналардан биридир. МПС заводи фақат Ўзбекистон саноати учунгина эмас, балки иттифоқчи республикалар ва ҳатто халқ демократияси мамлакатлари саноати учун ҳам турли машиналар, аппаратлар ишлаб чиқаради.

Ўтган йили завод ялпи маҳсулот ишлабчиқариш планини бажарди. Броқ корхонанинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари чуқурроқ анализ қилинса, унинг ишида жиддий камчиликлар борлиги яққол кўзга ташланади. Энг катта камчилик шундаки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг муҳим турлари бўйича белгиланган план бажарилмаётир. Маҳсулот номенклатураси плани 1955 йилда бор-йўғи 65 процент бажарилди. Шунинг оқибатида давлатга пландагидан ўнларча компрессор станциялари, юзларча Шаев системасидаги приборлар, мингларча Алибин системасидаги регуляторлар кам етказиб берилди. Шу энг муҳим маҳсулотлар бўйича давлат плани атиги 28 процент бажарилди, холос. Броқ корхона раҳбарлари (завод бошлиғи Дмитриев, бош инженери Шувалов, партия ташкилотининг секретари Боробовский ўртоқлар) давлат планини ялпи маҳсулот ишлабчиқариш бўйича бажардик деб, ана шу умумий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб кетдилар ва заводдаги жиддий камчиликларнинг олдини олиш тўғрисида қайғирмадилар. Шу сабабли ҳам завод янги йилни яхши тайёргарлик блан кутиб олмади. Корхона техника-иқтисодий кўрсаткичлари янги йилнинг дастлабки ойларида яхшиланиш ўрнига, янада пасайиб кетди. Жумладан, икки ойлик ялпи маҳсулот ишлабчиқариш плани 84,8 процент бажарилди. Маҳсулотнинг асосий 15 туридан бор-йўғи 6 хили бўйича план бажарилди. Корхона март ойи планини ҳам бажармади.

Планларни ялпи маҳсулот бўйича бажарган ҳолда, буюмларнинг номенклатураси ва ассортименти бўйича берилган топшириқларни бажармасликдан иборат зарарли практика завод фаолиятида чуқур ўрнашиб қолган. Завод раҳбарлари давлат плани ҳарбир корхона учун қонун эканлигини, унинг ҳарқандай шароитда ҳам бажарилишини та'минлаш лозимлигини тўла тушуниб етмаётирлар. Корхонада ички резервларни ишга солиш, хомаш'ёни тежаб-тергаб ишлатиш, унумсиз харажатларни камайтириш, прогрессив технологияни жорий қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш каби техника-иқтисодий кўрсаткичларни тубдан яхшилашга имкон беручи муҳим масалалар блан етарли равишда шуғулланилмаётир.

ФОЙДА ЎРНИГА ЗАРАР

Бутун ой мобайнида маҳсулотни бир ме'ёрда ишлаб чиқармаслик корхона ишидаги энг жиддий камчиликдир. Бунинг натижасида ишлабчиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда, унумсиз харажатлар ва брак кўпаймоқда ва оқибатда тайёрланаётган маҳсулотнинг таннархи белгиланганидан ортиб кетмоқда. Масалан, ўрта ҳисобда биринчи декадала ойлик планнинг 8 проценти миқдорида, иккинчи декадада 21,5 проценти миқдорида, учинчи декадада эса 62,5 проценти миқдорида маҳсулот тайёрланган. Корхона раҳбарлари ишлабчиқаришдаги ана шу камчиликнинг олдини олиш тўғрисида жиддий ўйламаётирлар.

Социалистик хўжаликни бошқаришга бутунлай ёт бўлган штурмчилик ҳамон давом этиб келмоқда. Бир ме'ёрда маҳсулот ишлаб чиқармаслик, цех ва участкаларнинг график асосида ишламаслиги асбоб-ускуналарнинг ва ишчиларнинг кўп вақт бекор туриб қолишларига, ишлабчиқаришдаги бракнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 11-нчи цех март ойида 37 та компрессор станциялари тайёрлаши керак эди. Броқ зарур детальларнинг етарли миқдорда бўлмаганлиги сабабли ойнинг биринчи декадасида битта ҳам компрессор станцияси йиғилмаган. 12-нчи цех ой мобайнида 450 процент бажарилгани ҳолда, иш ҳақи тўлаш плани 104,5 процентга етган. Барча цех ва участкаларда техника жиҳатдан асосланган нормалар қўлланилмаётир. Бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигининг тинмай ошираборишига катта тўсқинлик қилмоқда.

Ишлабчиқаришни ва меҳнатни тўғри ташкил этган вақтда ҳар ўнкунлиқда план бўйича 150 донадан регулятор тайёрланиши лозим. Броқ март ойининг биринчи декадасида ана шу 150 дона регулятордан ақалли бир донаси ҳам ишлаб чиқарилмаган.

Агарда корхона ўтган йили маҳсулотларнинг номенклатураси ва ассортименти бўйича берилган топшириқни 65 процент бажарган бўлса, 1956 йил икки ойлик планини атиги 39,8 процент бажарди. Штурмчилик натижасида брак кўпайиб кетаётир. 1955 йилда бракдан кўрилган зарар 1954 йилдагига нисбатан 33 процент ортган ва 1 миллион 142 минг сўмну ташкил этган. Корхонанинг асосий цехларидан бири бўлган қуюв цехида ишлабчиқаришдаги брак шу муддат ичида 68 процент ошган.

Корхонанинг нормал ишлашига тўсқинлик қилаётган камчиликлардан бири унда тайёрланаётган маҳсулотлар номенклатурасининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлигидир. Ҳозир заводда 180 хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлабчиқаришни поток усулига кўчиришга тўсқинлик қилаётир.

Завод инженер-техник ходимлари, дастлаввал бош инженер ўртоқ Шувалов ишлабчиқариш процессларини такомиллаштиришга ҳамда детальлар тайёрлаш технологиясидаги жиддий камчиликларни йўқотишга етарли э'тибор бермаётирлар. Шу сабабли кўпгина детальлар чертёжда кўрсатилганидек тайёрланмаётир. Натижада маҳсулот сифати пасайиб кетмоқда ва заказчилардан корхона кўплаб рекламациялар олмоқда. Цех ва участкалар коленчатий вал, поршень, шатун ва шунга ўхшаш детальларнинг сифатли тайёрланиши учун зарур бўлган мосламалар, ўлчов ва қирқув асбоблари блан етарли миқдорда та'минланмаган.

Заводда илғор иш усуллари жуда сust жорий қилинмоқда. Шу сабабли меҳнат унумдорлиги иш ҳақидан орқада қолаётир. Масалан, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган план 96,2 процент бажарилгани ҳолда, иш ҳақи тўлаш-чиқаришда ва меҳнатни тўғри ташкил этмаслик ва ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаслик ҳисобига 100,4 процентга етган. Ишлаб-чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатесиз бўлишига кўп жиҳатдан ишчилар малакасининг паст бўлиши сабаб бўлаётир. Корхона раҳбарлари ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ишлабчиқариш малакасини оширишдек муҳим масала блан қониқарсиз шуғулланмоқдалар. Шу сабабли ҳам рационализаторлик ва ихтиро'чилик ҳаракати оммавий тус олмаган. Ўтган йили заводда бор-йўғи 50 та таклиф ишлабчиқаришга жорий қилинган. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида эса атиги 5 та таклиф амалга оширилди.

Ишлабчиқаришдаги ана шу жиддий камчиликлар туфайли завод маҳсулот таннархини камайтириш ва фойда олиш бўйича белгиланган топшириқларни бажармай келмоқда. Ўтган йили маҳсулот таннархини камайтириш плани атиги 74 процент бажарилди. Шу сабабли корхона белгиланганидан давлатга 931 минг сўм кам фойда берди. 1956 йилнинг январь ойида корхона фойда бериш ўрнига, давлатга 400 минг сўмга яқин зарар келтирди. Февраль ва март ойларида ҳам аҳвол ўзгаргани йўқ.

Корхонанинг кўпгина цехларида хомаш'ё, ёқилғи, электр энергияси сарфлашда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Масалан, қуюв цехи январь ойининг ўзида 4 тоннага яқин қўрғошиннн ортиқча сарфлаган. Бу исрофгарчиликлар шунинг натижасида юз бермоқдаки, кўпгина детальлар белгиланганидан анча кўпол ва катта қилиб қуйилмоқда. Шу сабабли детальларни ишлаш пайтида жуда кўп металл қиринди чиқиб, уни тайёрлаш процесси чўзилиб кетмоқда.

КПСС XX с'езди социалистик саноатимизда техникани тинмай тараққий этдириш, ишлабчиқариш процессларини тобора такомиллаштириш, оғир иш процесларини, даставвал кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш зарур эканлигини алоҳида уқдириб ўтди. Афсуски, завод раҳбарлари бу гоят муҳим масалалар блан кўнгилдагидек шуғулланмаётирлар.

УНУТИЛГАН МУҲИМ СОҲА

Социалистик саноатимиз олдига қўйилаётган гоят катта талаблар партия ташкилотларидан партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни янада кучайтиришни талаб этмоқда. Броқ МПС заводида бу муҳим соҳа янги талаблар даражасига кўтарилмаган. Корхонада давлат планларининг бажарилмай қолаётганлигига асосий сабаблардан бири ҳам шу.

Тўғри, заводда партия бюросининг йиғилишлари ва партия мажлислари белгиланган вақтларда систематик равишда ўтказиб турилади. Лекин шундай бўлса ҳам, корхонадаги жиддий камчиликлар ҳамон давом этмоқда. Бунга сабаб шуки, партия бюроси ва унинг секретари ўртоқ Коробовский партия мажлисларида ва бюро йиғилишларида қабул қилинган қарорларни изчиллик блан амалга ошириш учун курашмаётир. Шунинг оқибатида ишдаги камчиликларни тугатишга қаратилган жуда муҳим қарорлар қоғозларда қолиб кетмоқда.

Завод партия бюроси ишидаги жиддий камчиликлардан бири шуки, бюро цех партия ташкилотларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Деярли барча цех партия ташкилотлари ўз ишларини плансиз олиб бормоқдалар, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишлар кўп вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 3-нчи ва 5-нчи цехларда уч ойдан бери партия йиғилиши ўтказилмаган. Партия ташкилоти партия а'золарининг жавобгарлигини ошириш ва уларнинг ишлабчиқаришда авангардлик ролини та'минлаш соҳасида етарли иш олиб бормаётир. Шунинг оқибатида айрим коммунистлар партия а'зоси деган юксак номга бутунлай ёт бўлган йўлга кириб кетганлар. Масалан, 11-нчи цех партия ташкилотининг секретари ўртоқ Таракан цех ма'мурияти фаолиятини яхшилаш ўрнига, ҳали тайёр бўлмаган олти компрессор станциясини тайёр деб берилаётган рапортга қўл қўйган ва шу блан партия ва давлатни алдаган. Броқ партия бюроси ўртоқ Тараканнинг бу ножўя хатти-ҳаракатини ўз вақтида муҳокама қилмаган.

Завод партия бюросининг секретари ўртоқ Коробовский камчиликларни ўрганиш мақсадида цехларда бўлиб туради, партия мажлисларида қатнашади, цех партия ташкилотларининг секретарьлари йиғилишини ўтказади ва тегишли қарорлар қабул қилади. Броқ бу йиғилишлар кўп вақт ҳеҳқандай тайёргарликсиз ва шошма-шошарлик блан ўтказилганлиги учун ҳақиқий аҳвол чуқур ва ҳартарафлама анализ қилинмайди, қабул қилинган қарорлар эса цех партия ташкилотларининг ишини яхшилашга ёрдам бермайди. Ўртоқ Коробовский кўп вақт ҳамма тадбирларни фақат бир ўзи амалга оширишга интилади, бюро а'золарининг ишини тўғри ташкил этмайди, улардан партия топшириқларининг сўзсиз бажарилишини талаб қилмайди.

Партия ташкилоти агитаторлар блан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйган, уларни йиғиб, ма'лум йўл-йўриқлар бермайди. Шу сабабли агитаторларнинг бир қисми ўз ишларида ишчиларга газета ўқиб беришдан нарига ўтмаётир. Корхона коллективи ўртасида етарли даражада тарбиявий ишлар олиб борилмаётир. Шунинг учун айрим коммунистлар, жумладан Вольнов, Климов ва бошқа ўртоқлар ишга кечикиб келаётир, ҳатто иш вақтида спиртли ичимликлар ичиш блан шуғулланаётирлар.

МПС заводидаги бу жиддий камчиликлардан Октябрь район партия комитетининг раҳбарлари (секретари ўртоқ Шонсломов) жуда яхши хабардорлар. Броқ район партия комитети, даставвал унинг саноат ва транспорт бўлими ходимлари мавжуд камчиликларни тугатишда корхона партия ташкилотига жиддий ёрдам бермаётир. Райком ходимлари корхонага келганларида камчиликларни чуқур ўрганмайдилар, улар хўжакўрсин учунгина келиб кетадилар. Шу сабабли уларнинг келиб-кетиши корхоналаги аҳволни ўзгартмаётир.

Заводда давлат планларини тўла ва ошириб бажариш учун барча имкониятлар бор. Корхона раҳбарлари ана шу имкониятлардан тўла фойдаланиш, ишлабчиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни тубдан яхшилаш, илғорлар иш тажрибасини кенг оммалаштириш тадбирларини амалга оширишлари керак.

С. ИСЛОМОВ,
А. БРАИЛОВ,
С. НУРМАТОВ.

Спорт ишларини кенг йўлга қўяйлик!

„Пишчевик“ жамиятида хотиржамлик

Мамлакатимиз спортчилари катта спорт байрами — СССР халқлари спартакиадасига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Барча кўнгилли спорт жамиятлари ва қуйи физкультура коллективлари бу спартакиадани муносиб кутиб олиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Улар завод ва фабрикаларда, ташкилотларда, колхоз, совхоз ва МТСларда спорт майдончалари қуриб, спорт секцияларига ёшларни кўплаб жалб қилмоқдалар. Қуйи физкультура коллективларида значкистлар, разрядли спортчилар тайёрлаш, ўзаро мусобақалар ўтказиш тобора кучайиб бормоқда.

Республикамиздаги «Буревестник», «Спартак», «Локомотив», «Меҳнат резервлари» ва бошқа кўнгилли спорт жамиятларида, кўпчилик жойлардаги қуйи физкультура коллективларида спортнинг ҳархил турлари бўйича спартакиадалар ўтказилмоқда, спорт базалари эзги мавсумга тайёрланмоқда.

Лекин ҳамма жойда ҳам СССР халқлари спартакиадасига яхши ҳозирлик кўрилаётир деб бўлмайди. Айрим спорт жамиятлари, спортчилар ҳаётида муҳим воқиа бўлган бу спартакиадага яхши тайёргарлик кўрмаётирлар.

«Пишчевик» кўнгилли спорт жамиятининг иш фаолиятини анализ қилиб кўрайлик. Бу жамият республикамиздаги барча кенг иste'мол моллари саноати корхоналарининг спортчиларини ўзига бирлаштиради. Ўтган йили «Пишчевик» жамиятининг қуйи физкультура коллективларида бирмунча ишлар қилинди. 15 биринчи разрядли, 45 иккинчи разрядли, 136 учинчи разрядли спортчи тайёрланди. Бундан ташқари ёшлардан 824 киши ГТО комплексининг биринчи даражасига, 127 киши иккинчи даражасига норма топширди. Фақат Тошкент шаҳридаги 7 та корхонада физкультура коллективларининг ишлаши ёмонлашиб кетди. Ёш ишчилардан 10 киши ГТО комплексининг биринчи ва иккинчи даражасига норма топширди. Фабрика кичик бўлсада, спорт майдончасига эга бўлиб, унда ўзаро мусобақалар ўтказиб турилади. Бу соҳада фабрика қуйи физкультура коллективининг раиси Ўрток Машков актив иш олиб бораётир. Фабрика директори Обидова ва завод комитетининг раиси Маҳонина ўртоқлар ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу йил бу корхонада спортчилар сафини ўстириш ва разрядчилар тайёрлаш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Бундан ташқари «Хлодокомбинат»да бу йил шахмат-шашка, огир атлётика ва стол тенниси секцияларини ташкил қилинди.

Лекин бундан «Пишчевик» жамиятининг барча қуйи коллективларида спорт ишлари яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бу жамиятнинг Тошкентдаги 6-нчи ва 15-нчи нон заводларида, гўшт комбинати, консерва заводи ва бошқа озиқ-овқат корхоналарида спорт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Консерва заводида спорт секцияларини ташкил қилиш, спорт майдончаларини қуриш учун барча имкониятлар бор. Спорт блан қизиқучи ҳаваскор ёшлар истаганча топилади. Завод директори Муҳиддинов ва қуйи физкультура коллективининг раиси Ҳайдаров ўртоқлар, «спорт майдончасини албатта қурамиз, ёшларнинг оммавий спорт мусобақаларини ташкил қиламиз», каби қуруқ ва'даларни бериш блан кифояланмоқдалар. Амалда эса бу соҳада ҳеч қандай ўзгариш юз бермаётир. Завод ёшлари самарали меҳнатдан сўнг спорт блан шуғулланиш, ҳордиқ чиқариш имкониятига эга эмаслар.

Тошкент гўшт комбинати қуйи физкультура коллективининг «спорт базаси»да иккита устун ва қуйма ёғочдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Комбинатда номигагина ташкил қилинган волейбол майдончаси ҳам тўрт томони ўралиб, моллар сақланадиган жойга айлантирилган.

— Комбинатда спорт майдончасини қуришга имконият йўқ. Корхона спортчилари Сталин номли паркда ташкил қилинган спорт майдончасида машғулот ўтказадилар, — дейди «Пишчевик» жамияти ўқув-спорт бўлимининг бошлиғи ўртоқ Назаренко.

Ҳақиқатда эса Сталин номли парклаги спорт майдончаси қаровсиз ҳолда ётипти. Айрим спорт асбоблари ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам комбинат ёшлари ўқув-тренировка машғулотларини ўтказаолмайдилар.

Тошкентдаги 3-нчи пиво заводида шахмат-шашка мусобақалари ўтказилади, холос. Илгари заводда оддий спорт майдончаси мавжуд эди. Ҳозирги вақтда бу майдонча ҳам қаровсиз қолдирилган, машғулотлар ўтказилмайди. Заводда спорт блан шуғулланишни истовчи ёшлар кўплаб топилади, спорт инвентарлари ҳам етарли. Фақат қуйи физкультура коллективи ва раҳбарларнинг хафсаласи етишмайди. «Пишчевик» жамиятининг раҳбарлари эса, заводда спорт ишларини жонлантирамиз, дейдилар-у, физкультура коллективига амалий ёрдам бермайдилар.

«Пишчевик» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон советининг раиси ўртоқ Павкин, ҳозир қуйи физкультура коллективларида шахмат-шашка бўйича ўтказилаётган спартакиада тамом бўлай деб қолди. Биз енгил атлётика бўйича биринчи этап мусобақаларини бошлашга тайёргарлик кўраётирмиз, деб мақтанади. Амалда эса шахмат ва шашка мусобақалари ҳам мунтазам ўтказилмаётир.

Қишки спорт мавсумига спорт базаларининг етарли тайёрланмаганлиги ёмон натижалар берди. Физкультура коллективларида ёшларнинг мунтазам машғулотлар ўтказишларига шароит яратиб берилмади. Натижада бу йил қиш пайтларида значкистлар, разрядли спортчилар тайёрлаш ишлари қониқарсиз олиб борилди. «Пишчевик» жамияти ўқув-спорт бўлимининг бошлиғи Назаренконинг айтишича, шу кунгача ба'зи физкультура коллективларида нечта разрядчилар ва значкистлар тайёрланганлиги ма'лум эмас.

«Пишчевик» жамиятининг раҳбарлари физкультура коллективлари—спортчиларни тайёрлаб беручи манба' эканлигини яхши тушунсаларда, спортни оммавий ҳаракатга айлантириш тадбирларини белгиламаётирлар. Улар марказий секцияларда велосипедчи Штабенко ва Бектемиров, теннисчи Маслакова, футболчи Шеффер, Дружинин ва Петрушенко ҳамда енгил атлётикачи Галиулин каби спортчиларни пеш қилиб, озиқ-овқат саноати корхоналаридаги физкультура коллективларининг ёшлари блан етарли иш олиб бормаётирлар.

СССР халқлари спартакиадаси яқинлашиб келмоқда. «Пишчевик» жамияти Ўзбекистон советининг раҳбарлари хотиржамлиқ кайфиятларига барҳам бериб, қисқа вақт ичида озиқ-овқат корхоналарида спорт майдончаларини ташкил қилишга, физкультурачи кадрлар ва инструкторлар фаолиятини кучайтириб, спортни ҳақиқий оммавий ҳаракатга айлантиришлари зарур. Ёзги мусобақаларда значкист ва разрядчилар сафини ўстириш блан спартакиадани муносиб кутиб олиш, спорт жамиятлари раҳбарларининг ва барча ёшларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

С. БОҚИЕВ.

Ўзбекистон Биринчилиги учун ўтказилган шахмат мусобақаси тамом бўлди

XV турда Муҳиддинов Раньковни, Ҳожибеков Абдусаматовни ютди. XVI турда Агапов Бирбрагерга, Брейтман Грушевскийга, Эстерлис Баренбаумга, Абдусаматов Элбековга ютқазди. XVII турда Эльбеков Набирахўжаев устидан, Баренбаум Гульшин устидан, Люблинский Раньков устидан галаба қозонди. Шундай қилиб 24 кун давом этган шахмат бўйича ўтган XXI традицион мусобақа тамом бўлди.

Бу мусобақада биринчи ўринни ва республика шахмат чемпиони унвонини 17 имкониятдан 13½ очкога эга бўлган мастерликка кандидат Грушевский олди. Спорт мастери Люблинский 13 очко блан 2-нчи ўринни эгаллади. III—IV—V ўринларни 12 тадан очкога эга бўлган мастерликка кандидатлар Муҳиддинов, Эльбеков ва биринчи разрядли Ҳожибековлар олдилар. Мусобақа шартига кўра, мастер Люблинскийдан ташқари биринчи беш ўринни эгаллаган шахматчилар май ойида Фрунзе шаҳрида бўладиган СССР шахмат биринчилигининг Ўрта Осиё зона турнирида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўйинларнинг кучли кураш вазиятида ўтганлиги ва Ҳожибековнинг мастерликка кандидат номини олиш учун белгиланган нормани бажариши республикамизда шахмат сан'атининг янада ўсиб бораётганлигини исбот қилди. Мусобақа голиблари Грушевский, Муҳиддинов, Эльбеков ва Ҳожибеков республика физкультура ва спорт комитетининг дипломлари, қимматбаҳо приз ва жетонлар блан мукофотландилар.

1956 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ КЎПКУНЛИК ВЕЛОСИПЕД ПОЙГАСИ

Бутуниттифоқ кўпкунлик кўкламги 1956 йилги велосипед пойгаси 31 мартда тугади. Велосипед пойгаси етти кун давом этди.

Олтинчи ва энг кейинги этап огир этаплардан бири бўлди.

Пойгачилар Золотая Ўрда районига етиб келганларида, қаттиқ шамол блан дўл ёғди. Пойгачиларнинг ён томонидан қаттиқ шамол уриб турганига қарамай, улар мусобақани давом этдиравердилар...

Пойтахт аҳолиси кўпчилик велосипед пойгаси қатнашчиларини самимий кутиб олди. Пойгачилар ўтадиган Шота Руставели, Богдан Хмельницкий, Каганович кўчалари меҳнаткашлар блан лиқ тўлган эди. Мусобақа сўнгги этапининг марраси бўлган «Спартак» стадиони кишилар блан гавжум.

Тамошабинларнинг қарсаклари остида пойгани биринчи бўлиб «Меҳнат резервлари» Марказий спорт клубининг вакили А. Под'яблонский тамомлади. У кейинги этапни 4 соату 44 минут 49,9 секундда босиб ўтди. Орадан 1 минут ҳам ўтмасдан маррага А. Холодков («Локомотив») И. Бессарабов (Карел-Фин ССР), И. Фролов («Локомотив») ва В. Пушкарский (Ўзбекистон иккинчи командаси) етиб келдилар.

Команда ҳисоби бўйича олтинчи этапда биринчи ўринни Карел-Фин ССР пойгачилари олдилар. Улар бу масофани уч пойгачининг натижаси бўйича ҳисоблаганда 14 соату 29 минут 57,7 секундда босиб ўтдилар. Иккинчи ўринни «Меҳнат резервлари», учинчи ўринни «Буревестник» спортчилари олдилар.

Судьялар коллегияси мусобақаларни якунлади. Жами 951 километрлик йўл босиб ўтилган. Ҳамма этаплардаги натижалар бўйича биринчиликни «Меҳнат резервлари»нинг пойгачилари олдилар. Улар бу масофани 80 соату 14 минут 40 секундда босиб ўтганлар. Иккинчи ўринни В. Александров («Меҳнат резервлари») олди. В. Палацкий (Ўзбекистон) саккизинчи ўринни эгаллади.

«Меҳнат резервлари» жамиятининг командасига тантанали вазиятда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бутуниттифоқ физкультура ва спорт комитетининг кўчма мукофоти ва биринчи даражали дипломи топширилди. «Буревестник» команда иккинчи даражали диплом блан ва Карел-Фин ССР командаси учинчи даражали диплом блан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг иттифоқчи республикалар ўртасида биринчи ўринни олган команда мукофотлаш учун та'сис қилинган кўчма мукофоти Карел-Фин ССР пойгачиларига ўринни В. Александров («Меҳнат резервлари») олди. В. Палацкий (Ўзбекистон) саккизинчи ўринни эгаллади.

Кейинги этапда ва ҳамма этаплар якуни бўйича энг яхши натижага эришган спортчилар ҳам қимматли совғалар ва дипломлар блан мукофотланди.

Бўлиб ўтган велосипед пойгаси фақат Ўзбекистондагина эмас, бошқа республикаларда ҳам велосипед спортини янада ривожлантиришга яхши та'сир кўрсатади. (ЎзТАГ).



Тошкентда Ўрта Осиё бўйича энг катта ҳисобланган 50 минг ўринли «Пахтакор» стадиони қурилмоқда. Стадион 1 Май байрамигача қуриб битказилади ва фойдаланишга топширилади. Суратда: «Пахтакор» стадионининг умумий кўриниши. В. Салов фотоси.

А. И. Микояннинг Бирмада бўлиши

РАНГУН, 31 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари бугун Рангуннинг диққатга сазовор жойларини ва шаҳардаги бирқанча корхоналарни бориб кўрдилар.

Улар бундан 2,5 минг йил муқаддам қурилган Шве-Дагон ибодатхонасида бўлдилар. Бу ибодатхонада А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов ибодатхонани зиёрат қилучи ҳурматли кишилар дафтарига ўз тассуротларини ёздилар. А. И. Микоян ибодатхона фондига ин'ом қилди.

Шундан кейин меҳмонлар Бирмадаги тўнғич тўқимачилик фабрикасида бўлдилар. Бу фабрикада уларни фабрика бошқаручиси У Ба Шин кутиб олди. У Ба Шин ишлабчиқариш процесси тўғрисида, машиналар, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўғрисида батафсил гапириб берди. АҚШда ва Японияда техника билими олган Бирма мутахассислари бу фабрикада ишламоқдалар. Бирмада етиштирилаётган калта толали пахта хомаш'ё ўрнида ишлатилмоқда. Фабрика ишлайбошлаганига 4 йил бўлди, лекин у кейинги йилдагина фойда беробошлади. Бирмалилар бу фабрикани кенгайтирмоқчилар.

А. И. Микоян фабрикадан кетиш олдидан ҳурматли меҳмонлар дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди. «Мен, индустрлаш, социал ва маданий тараққиёт йўлидан бораётган Бирма Иттифоқи тўқимачилик саноатининг тўнғич корхонасини зўр мамнуният блан тамоша қилдим. Бирма халқининг мустамлакачилик зулмининг разил оқибати бўлган қолоқликни тугатиб, ўз юртида ривож топган саноатни вужудга келтиришини чин кўнгилдан истайман».

Меҳмонлар жут фабрикасини бориб кўрдилар. Бу фабрика қурилиши тамомланаётир.

Шундан кейин А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари фармацевтика фабрикасини бориб кўрдилар. Бу фабрика ҳозирги вақтда Рангунда қурилаётган йирик фармацевтика комбинатининг бир қисмидир.

А. И. Микоян металлургия заводи қурилишини бориб кўриш блан Рангундаги саноат корхоналарини кўздан кечиришни тамомлайди. Металлургия заводи 1959 йилда ишга туширилади. Бу завод Ғарбий Германиядан келган мутахассисларнинг ёрдами блан қурилмоқда. Завод йилига 200 минг тонна прокат ишлаб чиқаради. Электр печьларда темир-терсакдан пўлат қуйилади. Яқин орада ишга туширилдиган биринчи печь ҳар йили 20 минг тоннадан пўлат қуяди.

А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидов корхоналарга борган вақтларида Бирма Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг бошлиғи У Тин Маунг, СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин уларга ҳамроҳ бўлди.

* * *

РАНГУН, 31 март. (ТАСС). Кеча кечқурун Бирма Иттифоқи президенти доктор Ба У, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Бирма бош министри У Ну, саноат министри У Чжо Нейн, савдо-сотиқни ривожлантириш министри У Рашид, уй-жой қурилиши министри Такин Чит Маунг ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Микояннинг ҳамроҳлари, СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин, элчихона маслаҳатчиси М. С. Вавилов ҳам ҳозир бўлдилар.

* * *

РАНГУН, 1 апрель. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари бугун Бирма Иттифоқининг таркибий қисми бўлган Шан давлатига бордилар.

Мудофаа министри У Ба Све, саноат министри У Чжо Нейн, савдо-сотиқни ривожлантириш министри У Рашид, та'минот министри Бо Мин Гаунг, СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин А. И. Микоянга ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Эрта блан барвақт Рангундан учган «Ил—14» совет самолёти Хехо аэродромига келиб қўнади. Совет меҳмонларини Бирма ички ишлар министри ва Шан давлатининг бошлиғи Сао Кун Чо кутиб олади. Аэродромда фахрий қоровул саф тортиб туради, ҳарбий марш ижро этилади, қизлар совет меҳмонларига гулдасталар тақдим қиладилар. Сао Кун Чо А. И. Микоян ва Ш. Р. Рашидовни Шан давлатининг раҳбар арбоблари блан таништиради.

А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари автомашиналарга тушиб ҳушманзарали Инде кўлининг қирғоғидаги Яунгве шаҳарчасига қараб йўл оладилар. Инде кўли асосан тоғлик мамлакатдан иборат бўлган Шан давлатининг бепоён маҳсулдор водисидадир.

Маҳаллий аҳоли совет меҳмонларини самимий кутиб олди.

Инде кўлининг ўртасида барпо қилинган жойда Шан давлатининг бошлиғи Сао Кун Чо А. И. Микоян шарафига зиёфат берди. Шундан кейин традицион қайиқ мусобақалари бошланди. Бу мусобақаларда қайиқчи болалар, хотин-қизлар ва эркаклар командалари қатнашдилар. А. И. Микоян мусобақа голибларига мукофот берди.

Мусобақа тамом бўлганидан кейин совет меҳмонлари Яунгвега жўнайдилар ва шундан кейин самолётда Рангунга қайтиб келадилар.

Бирма Иттифоқи бош министри У Ну ҳузурида А. И. Микоян шарафига зиёфат

РАНГУН, 31 март. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян бугун Бирма Иттифоқи бош министри У Ну ҳузурига борди ва у томонидан берилган зиёфатда ҳозир бўлди.

Зиёфатда бош министр У Ну рафиқаси блан, саноат министри У Чжо Неин, савдо-сотиқни ривожлантириш министри У Рашид, Бирма ташқи ишлар министрлигининг доимий секретари Баррингтон, бош министр секретари У Тан, Бирманинг фожиона ҳалок бўлган миллий қаҳрамони Аунг Саннинг хотини Аунг Сан хоним ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда А. И. Микояннинг ҳамроҳлари ҳамда СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин ҳозир бўлдилар.

Зиёфатдан кейин дўстона суҳбат бўлди.

А. И. Микоян Бирмадан Вьетнам Демократик Республикасига жўнаб кетди

РАНГУН, 2 апрель. (ТАСС). Бугун СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов ва уларнинг ҳамроҳлари В'етнам Демократик Республикаси пойтахти Ханойга учиб кетдилар.

Аэродромда А. И. Микоянни Бирма Иттифоқининг Бош министри У Ну, савдони ривожлантириш министри У Рашид, та'минот министри Бо Мин Гаунг, шунингдек Бирмадаги бирқанча дипломатик вакилларининг бошлиқлари ҳамда СССРнинг Бирмадаги элчиси А. Д. Шчиборин ва совет элчихонасининг ходимлари кузатиб қолдилар.

Аэродромда А. И. Микоян жўнаб кетиш вақтида фахрий қоровул қўйилган эди.

БМТ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ XI СЕССИЯСИГА СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов бошчилигида совет делегацияси БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси XI сессиясида қатнашмоқ учун 2 апрельда Москвадан Женевага учиб кетди.

СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АНГЛИЯДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН, 2 апрель. (ТАСС). Англияда турган совет энергетиклари делегацияси кеча Брайтон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини тамоша қилди. Делегация бошлиғи Г. М. Маленков ва СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси И. А. Малик Англиянинг жанубий қирғоғи бўйлаб саёҳат қилдилар. Тушдан кейин улар Кентербери соборининг бош руҳонийси доктор Хьюллет Жонсоннинг меҳмони бўлдилар. Доктор Жонсон меҳмонларга инглиз ме'морчилигининг ажойиб ёдгорликларидан бири бўлган бу соборни кўрсатди.

СССР, Швеция, Норвегия ва Дания ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида битимлар имзоланди

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар натижасида 1956 йил 31 мартда Москвада ҳаво алоқалари тўғрисида Совет-Швеция, Совет-Дания ва Совет-Норвегия Битимлари имзоланди. Ана шу Битимларга мувофиқ, Швеция, Дания ва Норвегия граждан авиацияси самолётларининг Москвага, совет самолётларининг эса мазкур мамлакатларнинг пойтахтларига учиш ҳуқуқи берилади.

Битимларни СССР Иттифоқи Ҳукумати номидан — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти бош бошқармасининг бошлиғи С. Ф. Жаворонков, Швеция Ҳукумати номидан — Швециянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Сульман, Дания Ҳукумати номидан — Данияниинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Мерк, Норвегия ҳукумати номидан — Норвегиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Э. Бродланд имзоладилар.

Битимларни имзолаш вақтида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Н. А. Захаров ва Е. М. Белецкий, Скандинавия авиация концерни «САС»нинг директори Т. Бойе, Швеция Ташқи ишлар министрлигининг биринчи секретари Кнут Хаммаршельд, Дания Ташқи ишлар министрлигининг секретари Аксель Буус, шунингдек граждан ҳаво флоти халқаро ҳаво алокалари бошқармасининг бошлиғи В. М. Даниличев, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлими мудирининг ўринбосари С. А. Афанасьев, СССР Ташқи ишлар министрлигининг ходими Г. Н. Фарафонов ва бошқалар ҳозир бўлдилар (ТАСС).

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми

ПРАГА, 31 март. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар қилади: 29—30 мартда Чехословакия Коммунистик партияси марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Антонин Новотний КПСС XX с'ездининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Ички савдо министри Ф. Крайчир меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада ошириш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Жаҳон илмий ходимлар федерацияси ижроия кенгашининг сессияси очилди

ПЕКИН, 1 апрель. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Бугун Пекинда Жаҳон илмий ходимлар федерацияси ижроия кенгашининг 16-нчи сессияси очилди.

Сессиянинг ишларида Хитой, Англия, Болгария, Венгрия, Дания, Польша, Совет Иттифоқи, Япония ва бошқа мамлакатларнинг олимлари қатнашмоқдалар.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да кундуз **Қароқчилар**, кечқурун **Чин муҳаббат**, 4/IV да кундуз **Чин муҳаббат**, кечқурун **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек»), кечқурун **Травиата**, 4/IV да кундуз **Кўр ўғли**, кечқурун **Кармен**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/IV да кундуз **Сингиллар қиссаси**, кечқурун **Азиз ва Санам**, 4/IV да кундуз ва кечқурун **Сурмахон**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 4/IV дан янги программада **катта цирк тамошалари**. Тамошалар кундуз соат 3 ва кеч 8 да бошланади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун) янги бадиий фильм **Отелло**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (кундуз) — **Икки капитан**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 11 да **Педагогик поэма**, кундуз **Икки капитан**.

Тошкент шаҳар, Комбинат кўчаси, 16-нчи уйда туручи **Аркадий Маркович Новакнинг** Владимирская область, Киржач шаҳар, Фёдоровский қишлоқ совети, Бехтерево қишлоғи, 36-нчи уйда туручи Екатерина Сергеевна Новакдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

Газета ва журналларга

1956 йил учун

обуна қилиш давом этмоқда

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Совет Ўзбекистони маданияти»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»,
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Пионер»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари».
Рангли фотоплакатлар серияси.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида, ўқув юртлари, муассаса, фабрика-завод, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари ҳамда почтальонлар томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00697 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1407.